

ХОРАЗМДА БАХШИЧИЛИК ВА ДОСТОНЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ

Махмудова Дилафруз Султанназировна*Урганч шаҳар 1-сон касб хунара мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси*

Аннатасийа: *Ушбу илмий мақолада кўп асрли адабиётимиз ва санъатимиз голят серқирра бўлиб, миллий қадриятларимизнинг теран илдиэларидан озиқланиб келиши ва улардан халқимиз, миллатимизнинг янги-янги авлодлари бахраманд бўлаётганлиги ҳақида соз борган.*

Калит созлар: *бахшичилик, достончилик, анъаналар, қадриятлар.*

Она диёримизнинг турли гўшаларида азалазалдан бахшилик ва достончилик санъат мактаблари табиий фаолият олиб борган. Неча юз йиллар илгари ҳозирги радио, телевидение, мобиль телефонлар, интернет тармоқлари, аудиовидео воситалари бўлмаган бир шароитда бундай мактаблар кўпчиликнинг, айниқса, истеъдодли инсонларнинг хошиширодаси билан турли йигинлар, халқ сайиллари, тўйлар баҳонасида астасекин шакллана борган.

Юртимиздаги ҳар бир бахшичилик мактабининг ўз йўли, ифода йўсини, маҳаллий шевадан келиб чиққан ҳолда сўз бойликлари халқ эртаклари, достонларида мужассамланган. Масалан, мамлакатимиздаги ҳозирги Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё вилоятларидаги бахшичилик мактаблари бевосита бирбиридан фарқ қилган. Айтайлик, “Гўрўғли”, “Алпомиш” туркумидаги достонлар ҳар бир бахшичилик мактабида ўзига хос тарзда сўйланган ва куйланган. Хусусан, “Гўрўғли” туркумидаги қирқдан ортиқ достонлар турли бахшичилик мактабларида ўзига хос тарзда айтилган. Худди шу мисолни “Алпомиш” туркумига кирувчи ўнлаб достонлар қиёсида ҳам айтиш мумкин.

Мустақиллигимизнинг ўтган йиллари давомида маданий мерос дурдоналарини асраб-авайлаш, халқ оғзаки ижодининг қадимий анъаналарини тиклаш ва миллий қадриятларимизни изчил ривожлантириш борасида кенг кўламли тарғиботташвиқот ишлари олиб борилди ва улар ўз самараларини бермоқда.

“Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги муносабати билан Термиз шаҳрида буюк халқ қаҳрамонига ҳайкал ўрнатилди.

Мамлакатимизда 100 жилддан иборат “Ўзбек халқ оғзаки ижоди” кутубхонасининг нашр этилаётганлиги кўпчиликни беҳад қувонтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелда қабул қилинган “Бахшичилик ва достончилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли қарорида жумладан шундай дейилади:

“Айни пайтда бахшичилик ва достончилик санъатининг тарихи, бахшилар ва достончилар ижодини мукамал ўрганиш, бу борада фундаментал тадқиқотлар олиб

бориш, халқ оғзаки ижоди ёдгорликларини тўплаш, нашр этиш юзасидан яна кўпгина чора-тадбирларни амалга оширишга эҳтиёж сезилмоқда.”

Бахшичилик ва дostonчилик санъатини ривожлантириш ҳозирги давр талабларидан биридир. Негаки, дostonларда халқимизнинг азалий орзуармонлари, юксак тафаккур салоҳияти, мардлик, ҳур фикрлилик, эркинлик, бунёдкорлик, ҳалол меҳнат, иймон-этиқод ғоялари илгари сурилганлиги билан ҳам уларнинг тарбиявий аҳамияти тобора ортиб борапти.

Ушбу қарорга асосан бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш, такомиллаштириш бўйича 2018 — 2022 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Шу билан бирга ҳар йили Наврўз умумхалқ байрами арафасида Термиз шаҳрида Республикада фаолият юритаётган бахшиларнинг ўқув семинари ташкил этиладиган бўлди.

Айниқса, 20182019 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё вилоятларидаги болалар мусиқа ва санъат мактабларида бахшичилик ва дostonчилик йўналиши бўйича махсус синфлар очилади.

Тасдиқланган “Йўл харитаси”га мувофиқ жорий йил Ватанимиз истиқлолининг 27 йиллик байрами арафасида “Мустақиллик бахшилари” китобальбоми чоп этилади.

Ўзбекистон халқ бахшилари ҳақида зарур маълумотлар тўпланиб, уларнинг портретлари тайёрланади ҳамда жойлардаги 312 та болалар мусиқа ва санъати мактабларига етказилади.

Таниқли бахшилар ижросида “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмиш”, “Авазхон”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Тоҳир ва Зухра” сингари бахшичилик санъати дурдоналари ҳақида телекўрсатув ва радио эшиттиришлари мунтазам равишда эфирга узатилади.

Ўзбек бахшичилик санъатининг таниқли намоёндалари фаолияти ва ижодига бағишланган ҳужжатли фильм яратилади.

Тарихий манбалардан яхши маълумки, вилоятимизнинг Нурота туманида Эргаш Жуманбулбул, Хатирчи туманида эса Пўлкан шоир бахшичилик мактаблари бўлган. Порсо Шамсиев, Музайяна Алавия, Муҳаммаднодир Саидов ва бошқа фидойий фольклоршунос олимларимиз уларнинг оғзидан халқ дostonларини эринмасдан сўзмасўз, ҳатто транскрипцияси билан ёзиб олишган. Уларнинг қўлёзмалари айна пайтда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институтида сақланмоқда.

Навоий вилояти ҳокимининг 2018 йил 2 майда “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сон қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги Қ-165-сонли қарори қабул қилинди. Унинг ижроси нафақат зиёлиларимиз, балки аҳолининг барча қатламлари зиммасига катта масъулият юклайди. Хусусан, туман ҳокими томонидан

“Йўл харитаси” тасдиқланди. Унда белгиланган чора-тадбирлар ижросида туман маданият бўлими, кутубхоналарнинг алоҳида ўрни ва аҳамияти бор. Шунинг учун ҳам бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини самарали ташкил этишимиз, айниқса, фуқаролар онгига сингдириш чораларини кўришимиз ва бунга эришишимиз учун аниқ мақсад билан ишлашимиз зарур.

Ана шундай қатъият билан ишласак, бахшичилик ва дostonчилик анъаналари давом этаверади ва барчамизни ёруғ келажакимиз сари чорлайверади.

Фойдаланилган адабийотлар:

1. Абдуллаев Ҳ. Махтумқули ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: “Фан”, 1983. –Б. 32.
2. Абдуллаев Ҳ. Сўз сеҳри. – Тошкент: ТДПУ нашриёти, 2005. –Б. 4-11.
3. Абдуллаев Ҳ. Халфалар репертуари ва фольклор алоқалари // Адабий мерос, 1982.–№2. –Б.30-37.